

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1989 йил 20 апрель, пайшанба № 91 (6.790) 1989 йил 20 апрель, пайшанба Баҳоси 3 тийми

ССР Иттифоқи граждандари! Халқ манфаатлари ва социализмни янгилаш манфаатлари йўлида қайта қуришда жамоатчилик ташаббуси ва активлигини ривожлантираверингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан)

22 апрель — Коммунистик шанбалик куни

Ҳамма иштирок этади

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонті заводи коллективининг доҳийми В. И. Ленин туғилган кунининг 119 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш юзасидан бошлаган ташаббусига Тошкент трамвай троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг 2-троллейбус депоси коллективи ҳам қўшилди.

Ҳолбой Аҳмедов ва Иннокентий Хон мастерлик қилётган ремонтчилар бригадаси эса иккита троллейбусни сифатли ремонтдан чиқариб, асосий составга қўшди.

Шанбаликдан ишлаб топилган маблағларни ҳаммаси беш йиллик фондига ўтказилади.

Р. АКБАРАЛИЕВ



Доҳийми В. И. Ленин туғилган кунининг 119 йиллиги шарафига шахримизнинг саноат корхоналари коллективлари 22 апрель кунини Коммунистик шанбаликка янгилик билан чиқишга қарор қилдилар.

Бу комсомол-ёшлар бригадаси ўзaro социалистик мусобақада пешқадамлик қилапти.

СУРАТДА: комсомол-ёшлар бригадасининг илгор аъзоларидан (чапдан-ўнганга) Исмомил Турсунов ва Незмат Авазовларни кўриб турибсиз.

Т. Қаримов фотоси.

Тошкент шаҳар партия комитетининг II пленуми қарорлари қандай бажарилмоқда?

Янги Тошкент консерва комбинатида жуда ширин нарсаларни татиб кўришди. Чойни лавлаги мураббоси билан ичиб кўришни таклиф этишди, дастурхонда сабзавотдан тайёрланган елимшак (желе) ҳам бор эди.

Маҳсулот тури қўпайган бўлса ҳам танг қолмаган ери шундаки, шу тур камайди. Бу йил илгари ўлаштирилган маҳсулотнинг бир неча тури тайёрланмайд.

Хуллас, харидорларнинг манфаатида пур тур етди, уларнинг ана шу ширинликдан насибаси узилди.

Бундай аҳвол тармоқдаги бошқа неча ўнлаб корхоналарга ҳам ҳосилдир.

Бундан ташқари, битта танглик барта- раф этилса, иккинчиси чиқиб турибди.

Маҳсулот тури некин янгиланди. Бундан 10 йил муқаддам помидор пасти ва шараб тайёрлаш мақсадида қурилган комбинат сўнгги вақтда мунтазам тарзда янги маҳсулотлар тайёрламоқда.

сустлиги, социал-маданий-маиший соҳага эътибор кам бўлганлигини ҳам назарда тутиш керак. Бу муаммолар йил сайин йилгиб бораверади.

Дарҳақиқат, кўп иш қилинмоқда. Капитал ремонтни, аслида реконструкция ва қайта жиҳозлаш, деса бўлади.

Ушунда ҳам ашёни дастлабки қайта ишлашни филиалларга топширишган эди.

Электрончилар ҳароратни назорат қиладиган автоматни ҳам ишга соддлар. Агар помидор паста 95 даражага чизимас, линия юрмайди.

Бундан ташқари, битта танглик барта- раф этилса, иккинчиси чиқиб турибди.

Хуллас, харидорларнинг манфаатида пур тур етди, уларнинг ана шу ширинликдан насибаси узилди.

Бундан ташқари, битта танглик барта- раф этилса, иккинчиси чиқиб турибди.

Маҳсулот тури некин янгиланди. Бундан 10 йил муқаддам помидор пасти ва шараб тайёрлаш мақсадида қурилган комбинат сўнгги вақтда мунтазам тарзда янги маҳсулотлар тайёрламоқда.

автоматларни сошлаб ишга туширдилар. Масалан, меваларни қайта ишловчи линия тайёрландилар.

Мармеладни қирқитиш автоматни ишга солишни туфайли 12 кишини бошқа ишга ўтказиш мумкин бўлди.

Электрончилар ҳароратни назорат қиладиган автоматни ҳам ишга соддлар. Агар помидор паста 95 даражага чизимас, линия юрмайди.

Бундан ташқари, битта танглик барта- раф этилса, иккинчиси чиқиб турибди.

Хуллас, харидорларнинг манфаатида пур тур етди, уларнинг ана шу ширинликдан насибаси узилди.

Бундан ташқари, битта танглик барта- раф этилса, иккинчиси чиқиб турибди.

Маҳсулот тури некин янгиланди. Бундан 10 йил муқаддам помидор пасти ва шараб тайёрлаш мақсадида қурилган комбинат сўнгги вақтда мунтазам тарзда янги маҳсулотлар тайёрламоқда.

Хуллас, харидорларнинг манфаатида пур тур етди, уларнинг ана шу ширинликдан насибаси узилди.

Маҳсулот тури некин янгиланди. Бундан 10 йил муқаддам помидор пасти ва шараб тайёрлаш мақсадида қурилган комбинат сўнгги вақтда мунтазам тарзда янги маҳсулотлар тайёрламоқда.

Ана шу «майда-чуйда» ишлар билан бир қаторда каттароқ ўзгаришлар ҳам бўлди. Булар асосан томат чехига тааллуқлидир.

Муаммолар ҳам бор, албатта. Ҳўжаликлар масалани, ўрик ёки шафтоли беришар- микини ёки охири пайта келиб тижирлик қилишармикин, деб хавотир бўлиб туришади.

Бундан ташқари, битта танглик барта- раф этилса, иккинчиси чиқиб турибди.

Хуллас, харидорларнинг манфаатида пур тур етди, уларнинг ана шу ширинликдан насибаси узилди.

Бундан ташқари, битта танглик барта- раф этилса, иккинчиси чиқиб турибди.

Маҳсулот тури некин янгиланди. Бундан 10 йил муқаддам помидор пасти ва шараб тайёрлаш мақсадида қурилган комбинат сўнгги вақтда мунтазам тарзда янги маҳсулотлар тайёрламоқда.

Хуллас, харидорларнинг манфаатида пур тур етди, уларнинг ана шу ширинликдан насибаси узилди.

Маҳсулот тури некин янгиланди. Бундан 10 йил муқаддам помидор пасти ва шараб тайёрлаш мақсадида қурилган комбинат сўнгги вақтда мунтазам тарзда янги маҳсулотлар тайёрламоқда.

Изланиш

Бундан ўн йил муқаддам Тошкент туқимачилик ва енгил саноат институтида студентларнинг илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси кон- структорлик бюроси ўз фа- лиятини бошлаган эди.

Конструкторлик бюроси туқимачилик саноатида қў- лланиладиган лойиҳалар ва приборлар янги наъсанга у- стилаш ишлаш ва уларни амалга ошириш борасида ҳам бой тажриба орттирди.

Маиа бир неча йилдирки, у Сергели районидagi «Спун- ги» ёшлар ижодийи илмий- техника координация мар- кази билан ҳамкорлик қили- бмоқда.

19 апрель кунини эрталаб Тошкент устида қуноқ қора тутун пайдо бўлди. Уни ш- харнинг ҳамма томонидан кў- риш мумкин эди.

Милициянинг кучайтирил- ган нарядлари Новомосков- ский ва Пушкин кўчалари чо- раҳаларини тўсиб қўйди.

Заводга етиб борганимиздан кейингина, лак ишлаб чиқариш ва ядишларга қўйиш- чеки ишчиларидан ёнгини соат 11 ден 20 минут ўтганда бош- ланганини билди олди.

Гувоҳлардан сўраб-суриш- тириш чоғида мен ўша ерда эдим. Гувоҳ бундай деди: ана шу банкда полээтилен бло- кларини бир-бирига ёпишти- радиган линияда бирданги ёнб

П. БУРОВ, УЭТАГ мухбири.

Ходиса

Бундан ўн йил муқаддам Тошкент туқимачилик ва енгил саноат институтида студентларнинг илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси кон- структорлик бюроси ўз фа- лиятини бошлаган эди.

Конструкторлик бюроси туқимачилик саноатида қў- лланиладиган лойиҳалар ва приборлар янги наъсанга у- стилаш ишлаш ва уларни амалга ошириш борасида ҳам бой тажриба орттирди.

Маиа бир неча йилдирки, у Сергели районидagi «Спун- ги» ёшлар ижодийи илмий- техника координация мар- кази билан ҳамкорлик қили- бмоқда.

19 апрель кунини эрталаб Тошкент устида қуноқ қора тутун пайдо бўлди. Уни ш- харнинг ҳамма томонидан кў- риш мумкин эди.

Милициянинг кучайтирил- ган нарядлари Новомосков- ский ва Пушкин кўчалари чо- раҳаларини тўсиб қўйди.

Заводга етиб борганимиздан кейингина, лак ишлаб чиқариш ва ядишларга қўйиш- чеки ишчиларидан ёнгини соат 11 ден 20 минут ўтганда бош- ланганини билди олди.

Гувоҳлардан сўраб-суриш- тириш чоғида мен ўша ерда эдим. Гувоҳ бундай деди: ана шу банкда полээтилен бло- кларини бир-бирига ёпишти- радиган линияда бирданги ёнб

П. БУРОВ, УЭТАГ мухбири.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети II пленумининг 1989 йил 28 мартдаги қарори

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитети март (1989 йил) Пленуми талаблари асосида шаҳарнинг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш бўйича шаҳар партия ташкилоти, совет, ҳўжалик органларининг вазифалари тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг пленуми «XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитети март (1989 йил) Пленуми талаблари асосида шаҳарнинг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш бўйича шаҳар партия ташкилоти, совет, ҳўжалик органларининг вазифалари тўғрисида» қарорини қабул қилди.

Шаҳар партия комитети, партия ташкилотлари совет органлари билан ҳамкорликда ўзаро манфаатли ҳўжалик шартномалари, ижара муносабатлари, оталик алоқалари асосида шаҳар ва қишлоқ меҳнат коллективлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги формаларини ривожлантириш юзасидан ташкилотчилик ва сийсий шир олиб бормоқдалар.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустақамлашга кейинги икки-уч йил ичида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат билан таъминлашни бирмунча яхшилашга эришиш имконини беради.

Озиқ-овқат программаси вазифаларини амалга оширишда қайта ишлаш тармоқлари корхоналарини ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш, сабзавот ва мева сақлашдаги омборлар ҳамини ошириш, озиқ-овқат билан савдо қиладиган давлат ва кооператив савдоси, «дала-мағазин» принципи асосида ишлайдиган қишлоқ ҳўжалиги фирма магазинлари тармоқларини кенгайтириш алоҳида ўрин тутайди.

Меҳнат коллективларининг озиқ-овқат таъминотида шаҳар корхона ва ташкилотлари ёрдами ҳўжаликларининг роли ошмоқда. Кейинги икки йил ичида уларда гўшт етиштириш бир ярм бараварга, сут етиштириш икки баравардан ҳам кўпроққа ортди. 1988 йилда 800 тоннадан кўпроқ картошка, 1000 тонна мева, 5,5 миң тоннадан кўпроқ сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилди.

Богдорчилик ширкатларининг имкониятларидан активроқ фойдаланишмоқда. Ҳозир шаҳарликлар ихтиёрида 40 миң гектар ер участкаси бор. Уларнинг тўртдан уч қисми ўн иккинчи беш йилликда берилди. 1988 йилда богдорчилик-узумчилик ширкатлари аъзолари томонидан 2 миң тоннадан кўпроқ сабзавот ва 1 миң тонна мева етиштирилди.

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда илтимойий сектор билан бир қаторда шаҳарликларнинг шахсий ёрдами ҳўжаликларини ҳам мўъайян даражада иштирок этмоқда. Бу шахсий ҳўжаликларида 19 миң бошга йили қорамол ва кўй-эчки, 114 миңта парранда бор.

Бироқ шаҳар партия комитетининг пленуми ишларини аҳолини объектив баҳолагани ҳолда партия комитетлари озиқ-овқат муаммосининг сийсий каскилигини ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткашга аниқ тасвирлашга эриша олмадилар, деб ҳисоблайди. Шаҳарнинг ишлаб чиқариш, илмий-техник ва интеллектуал потенциалидан регион қишлоқ ҳўжалиги самарадорлигини ошириш учун тўлиқ фойдаланилмапти, меҳнат коллективларининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлашнинг жуда кўп имкониятларидан фойдаланилмапти, шаҳар илмий муассасаларининг асосан оқликнинг энг долзарб муаммолари бўйича илмий ишларининг амалий натижаси жуда паст.

Шаҳар корхоналарининг партия ташкилотлари қишлоқ ҳўжалиги билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик формаларидан фойдаланиш бўйича ишларни етарли даражада активлик ва манфаатдорлик билан олиб бормаяптилар. Сановат корхоналарини қурилиш ташкилотлари томонидан зийн кўраётган ҳўжаликларини ижарага олиш, қишлоқ-савхозлар билан биргаликда теплицалар, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлайдиган омборлар, қайта ишлаш корхоналари қуриш мисоллари санқлидир.

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш моддий-техника базасининг аҳоли жиҳатидан ташвиш тугдирмоқда. Омборларнинг, айниқса суний равишда совутиладиган омборларнинг, маҳсулотлар тузланадиган идишларнинг, қайта ишлаш цехларининг етишмаслиги етиштирилган мева-сабзавот маҳсулоти 30 процентгача бўлган миқдорининг нобуд бўлишига олиб келмоқда.

«Подъёмники», «Узбексельмаш» бирлашмалари, асбосозлик заводи ва қатор бошқа машинасозлик корхоналарининг партия ташкилотлари маҳсул асбос-ускуналар, узеллар, эҳтиёт қисмлар тайёрлаш бўйича белгиланган топшириқларнинг бажарилиши учун ҳўжалик раҳбарларига зарур даражада талабчанлик қилмаяптилар.

Озиқ-овқат сановат корхоналарида маҳсулот сифати масалаларига етарлича эътибор берилмаслиги оқибатида технология ва ишлаб чиқариш интизомига кўп ҳолларда риоя қилинмайди, стандартлар ва техника шартларининг бузилишига йўл қўйилади, брақ маҳсулот чиқарилиши натижасида номшалаб чиқариш сарфлари ва йўқотишлари каттадир. Нон-булка ва сут, қандолат маҳсулотларининг турлари кам.

Кўпгина партия ташкилотлари коммунист-раҳбарларга ёрдамчи ҳўжаликларини ривожлантиришга лойиқ муносабатда бўлаётганлари учун зарур даражада талабчанлик қилмаяптилар, бунинг натижасида кўпгина ёрдамчи ҳўжаликларида малакали кадрлар етишмайди, зоотехника ишлари, агротехника паст савияда, мустақам озуқа базаси яратилмаган.

Богдорчилик-узумчилик ширкатлари учун ажратилган ер участкаларидан ҳаминча ҳам оқилона фойдаланилмапти. Кўпгина корхоналарининг раҳбарлари, меҳнат коллективлари кенгашлари, касба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари ўз ходимларига ажратилган ерларни тез ўлаштиришда зарур ёрдам кўрсатмаяптилар. 1987—1988 йилларда ташкил этилган кўпгина ширкатларда ҳозирги вақтга сув таъминоти, электрлаштириш, транспорт таъминоти масалалари ҳал этилмаган.

Аҳоли шахсий ҳўжаликларини омухта ем билан марказлаштирилган ҳолда таъминлаш. Бу ҳўжаликларида етиштирилган маҳсулотларини тўплаш ва реализация қилиш системасининг йўқлиги кўшимча озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва озуқаларидан тўлиқ фойдаланиш имконини берадими.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети пленуми қарор қилди: 1. Партия комитетлари ва ташкилотлари, совет ва ҳўжалик органларининг Тошкент шаҳри аҳолисининг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш бўйича амалий вазифаларини бажариш соҳасидаги ташкилотчилик ва сийсий иш етарли эмас, деб ҳисоблансин.

Пленум XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитетининг март (1989 йил) Пленуми талаблари асосида партия ташкилотлари, меҳнат коллективларининг куч-гайратини биринчи галдаги энг муҳим социал вазифа — аҳолининг озиқ-овқат таъминотини яхшилашга

қаратиш зарур, деб ҳисоблайди. Шу мақсадларда қишлоқ ҳўжалик корхоналари билан ҳамкорликнинг самарали формалари ривожлантирилсин ва мустақамлашсин, агроноат комплекс муаммоларини ҳал қилишга янги аёдошулар жорий қилинсин.

2. Тошкент шаҳар партия комитети бюросининг Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети билан биргаликда ишлаб чиққан Тошкент шаҳрини 1989 йилдан 1995 йилгача озиқ-овқат таъминотининг Комплекс программаси ва партия, совет ва ҳўжалик органларининг ушбу масала юзасидан фаолиятлари Асосий йўналишлари маъқулансин.

3. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг Тошкент шаҳрининг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш таъминлаш бўйича тadbирлари тасдиқлансин.

Тошкент шаҳар партия комитетининг шаҳарни социал-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси составида шаҳар партия комитети аъзоларидан озиқ-овқат программаси бажарилишининг боришини назорат қилишни таъминлайдиган секцияни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

4. Шаҳар партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет ва ҳўжалик органлари, корхона ва ташкилотларининг раҳбарлари кенг тушунтириш ишлари олиб бориш, амалий аёдош, юксак уюшқоқлик ва маъсуллат асосида меҳнат коллективлари, мавжуд моддий-техника ресурслари резервлари, илмий-техниквий потенциаллари шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги алоқаларни мустақамлашга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва реализация қилиш базасини кенгайтиришга, қайта ишлаш тармоқлари корхоналарини жадал ривожлантиришни таъминлашга сафарбар этишлари керак.

Озиқ-овқат сановати ишлаб турган корхоналарда капитал маблаглар асосан ишлаб чиқариш реконструкциялаш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантиришга, социал соҳани ривожлантиришга, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтирилсин.

Савдонинг моддий техника базасини ривожлантиришга, илгор савдо формаларини жорий қилишга, ҳўжалик ҳисоби, ижара ва оила пудратини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилсин.

5. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советидан, область партия комитети ва область Совети ижроия комитетидан Тошкент областининг қамда учта қишлоқ районини умумиттифоқ фондида маҳсулот етказиб беришдан озод қилиш, бу районларда етиштирилган маҳсулотларини Тошкент шаҳри таъминотида ажратиб сўралсин. Бу ишга шаҳар корхоналари ўзаро ҳар томонлама ёрдам кўрсатадилар.

6. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Давлат агроноат комитетига молларга ем сифатида фойдаланиладиган озиқ-овқат ва қайта ишлаш сановати чиқилган республика ташқарисига етказиб беришни камайитириш тақлифи билан чиқиши мақсадга мувофиқ, деб топилсин. Шу ҳисобга шаҳар аҳолиси шахсий ҳўжаликлари ва корхоналар ёрдамчи ҳўжаликларининг эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш таъминлансин.

7. Область партия комитети, Тошкент область Совети ижроия комитетидан богдорчилик-узумчилик ширкатлари учун Тошкент шаҳри меҳнат-кўшарига 1989—1990 йилларда қамда 5000 гектар ер майдонларини ажратишда амалий ёрдам кўрсатиш сўралсин. Бу аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг муҳим манбаларидан бири эканлиги назарда тутилсин.

8. Қишлоқ ҳўжалиги масалалари билан шуғулланадиган илмий-тадқиқот муассасалари партия ташкилотлари, коммунист раҳбарлари, мутахассислари сабзавот, полиз экинлари, мева-резаворларнинг юқори досилли районлаштирилган навларини, қорамол ва парранданинг сермаҳсул зотларини яратишда амалий натижаларга эришиш учун қатъият билан кураш олиб боришлар. Усимликлар ва жониворлар уруғчилиги ва селекцияси масалалари бўйича амалий тадқиқотлар ривожлантирилсин, ўсимликларни қимоя қилишнинг янги самарали воситаларини яратиш таъминлансин.

9. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига область Совети ижроия комитети ҳамда Тошкент область агроноат бирлашмаси билан биргаликда бир ой мuddат ичида сановат корхоналари (ташкитлотлари, муассасалари) меҳнат коллективларининг Белгород области тажрибаси бўйича ижара асосида қолхоз ва совхозлар билан биргаликда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришда ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқиш тақлиф этилсин.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳузурида шаҳар аҳолисининг озиқ-овқат таъминоти билан боғлиқ барча масалалар комплексига раҳбарлик қилиш, бу ишни мувофиқлаштириб туриш ва ҳал қилиш, озиқ-овқат программасининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш учун маҳсул бўлим тузиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

Совет ва ҳўжалик органларининг коммунист раҳбарлари эскириб қолган, меҳнат коллективлари ташаббусига тўқинлик қиладиган, партия ва ҳўкуматимизнинг агроноат комплексидagi иқтисодий муносабатларни туб жиҳатдан қайта қуриш тўғрисидаги қарорларига ақва бўлган идоравий инстурциялари ва низоамларини қатъият билан маң қилиш учун курашлари зарур, деб ҳисоблансин.

«Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газетлари, кўп нусхали газеталар, радио ва телевидение редакциялари шаҳар меҳнат коллективларининг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш муаммоларини ҳал этишдаги, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ўзаро манфаатли самарали формаларини ривожлантиришдаги тажрибаларини кенг ёритсинлар. Шаҳарда озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлашда социал адолатга риоя қилинишни назорат остига олсин. Шаҳар аҳолиси пленум қарорлари бажарилишининг бориши тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиб туришсин.

Партиянинг ҳозирги даврадаги аграр сийсатини амалий бажарилишининг, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда шаҳар партия комитетининг Тошкент шаҳар социал-иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича комиссиясида шаҳар партия комитетининг келгуси пленумларда шаҳар партия комитети аъзоларини озиқ-овқат программаси бажарилишининг бориши тўғрисида хабардор қилиб туриш, район партия комитетлари секретарлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг қабул қилинган қарорларни бажариш юзасидан олиб бораётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб туриш топширилди.

\*\*\* Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг пленуми коммунистлар, барча меҳнат коллективларини партиянинг ҳозирги даврадаги аграр сийсатини амалга оширишга, озиқ-овқат программасини бажаришга ақва қўйишига, бу билан шаҳар меҳнатқашлари ва аҳолисининг озиқ-овқат таъминотини ақин вақт ичида сезиларли даражада яхшилашга чақиради.

АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ

Тошкент шаҳри аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашга доир

А С О С И Й

Шаҳар партия ташкилотининг КПСС XXVII съезди, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини ҳаётга жорий этишга доир тadbирлари комплексидa аҳолини озиқ-овқат билан тўлиқ таъминлаш муаммосининг ҳал этилиши энг долзарб, биринчи навбатдаги вазифалар қаторига киритилди.

Тошкент шаҳрини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосининг кескинлиги яна Тошкент регионини ҳақ ҳўжалиги комплексини ташкил этувчи Тошкент области ва Тошкент шаҳрини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳри мамлакатнинг энг йирик сановат марказларидан бири ҳисобланади, унда 2 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шаҳар сановат ишлаб чиқаришининг ҳажми Ўзбекистон ишлаб чиқариши ҳажмининг бешдан бир қисмини ташкил этади.

Жамият ривожланишида шаҳарлар ролининг ортиб бораётганлиги ва Тошкент регионини ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришдаги жиҳдий ноумоносибликлар қишлоқ ҳўжалиги майдонларининг маҳсулдорлиги сезиларли равишда қисқаришига олиб келди. Фақат 1981 йилдан 1988 йилгача бўлган даврда ўн миң гектардан зиёд энг қимматли сугориладиган экинзорлар обротдан чиқарилиб, шаҳар территорияларига, аҳоли пунктларига, сановат майдонларига берилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети озиқ-овқат муаммоси тобора кескинлашиб, мутабаклашиб бораётган шaroитда партия ташкилотлари, совет органлари, меҳнат коллективларининг куч-гайратини шаҳар билан қишлоқ ўртасида таркиб топаң алоқаларини фолд қайта қуришга сафарбар этиш ишларини авж олдиримоқда. Олдинда қишлоқ муаммоларини ҳал этиш, қайта ишлаш сановатини реконструкция қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва реализация қилиш базасини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжаликлари билан ҳамкорлик қуришларини мустақамлаш учун шаҳарнинг ишлаб чиқариш, илмий-техник ва мафрувий потенциалдан ҳар қанчонгина кўпроқ даражада фойдаланиш вазифаси турибди.

Гўшт, сут, картошка, сабзавот, мева ва узум истеъмол қилиш даражаси физиологик нормаларга жавоб берадими.

Тошкент шаҳрининг озиқ-овқат молларига бўлган эҳтиёжи асосан иттифоқ, республика ва Тошкент области етказиб бераётган маҳсулотлар ҳисобига қондирилмоқда. Сунги йилларда уларнинг ҳажми аҳолини муҳим озиқ-овқатлар билан таъминлаш учун етарли бўлмай қолди.

Мамлакат айрим регионларининг тажрибаси аҳолини барча зарур маҳсулотлар билан

таъминлаш кўп жиҳатдан қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини кўтариш ва шаҳар атрофи зоналари инфра-структурасини ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда агроноат комплекси корхоналари билан ҳамкорлик учун шаҳарларнинг мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан қай даражада фойдаланилаётганига боғлиқ эканлигини аққол кўрсатиб турибди.

Ана шундан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар партия комитети Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети билан биргаликда совет органлари, меҳнат коллективларининг куч-гайратини 1995 йилгача даврда шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашнинг комплекс программасини ишлаб чиқишга қаратди.

Шаҳар партия комитети партия, совет органлари олдига, ҳўжалик раҳбарлари олдига аниқ вазифа: 1989—1990 йиллардаёқ озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни кескин кўпайтириш, ўн учинчи беш йилликнинг охирига келиб аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқатлар истеъмолнинг иқтисодий нормативларига яқинлаштириш вазифасини қўяди.

Тошкент шаҳри аҳолисини сабзавот ва мевалар билан таъминлашнинг талайгина қисми бриктириб қўйилган қишлоқ районлари ва ҳўжаликлар орқали амалга оширилади. Бу ҳўжаликлар, омборхоналар, теплицалар қурилиши, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, транспортда ташини ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари савдосини ташкил этиш масалаларини шаҳар ва қишлоққа биргаликда ҳал этиш имконини беради, шаҳар корхоналари ва ташкилотларининг область қолхоз ва совхозларининг социал-иқтисодий тараққиётида иштирокитини таъминлайди.

1989—1990 йилларга ва 1995 йилгача мўлжалланган Тошкент шаҳри аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашнинг ишлаб чиқилган Комплекс программаси ҳар бир коллектив, шаҳар район ва умуман шаҳар озиқ-овқат товарлари асосий турларини етказиб беришнинг белгиланган фондларига қўшимча равишда эришиши мумкин бўлган аниқ истиқболларни белгилаб беради.

Қуйидагилар шаҳарни озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосини ҳал этишнинг асосий йўналишларини белгилайди:

1. Шаҳар корхона ва ташкилотларининг иқтисодий нормативларига яқинлаштириш вазифасини ундан фойдаланиш:

— ёрдамчи ҳўжаликларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш;

— теплица ва парникларни қуриш ва реконструкция қилиш;

— қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг омборхоналари қурилиши;



1989—1995 йилларда Тошкент шаҳрини озиқ-овқат билан таъминлаш Комплекс программасидан



Аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, маҳсулотларни сақлаш, ташини, қайта ишлаш, савдос, зарур объектларни қуриш ва реконструкция қилиш учун Тошкент шаҳри районларининг Тошкент областининг сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган районлари ва ҳўжаликларига

Table with 3 columns: TOHKENT SHAHRI RAIONLARI, TOHKENT OBLASTI RAIONLARI, and HУЖАЛИКЛАР. It lists various districts and farms across the region, such as Akmal Ikromov, Kirov, Kuybisev, Lenin, and others, along with their respective agricultural products and farm types.

1989—1995 йилларда Тошкент шаҳрининг ёрдамчи қишлоқ ҳўжаликларида энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича

Table titled 'ТОПШИРИҚ (тонна ҳисобида)' showing production volumes for various food products like meat, milk, and vegetables for the years 1988, 1989, 1990, and 1995. It includes sub-totals for 'Гўшт ва гўшт маҳсулотлари' and 'Сут ва сут маҳсулотлари'.

# БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАЙЛИК

партия, совет ва хўжалик органлари фаолиятининг 1989—1990 йиллар ва 1995 йилгача мўлжалланган

## Й Ҳ Н А Л И Ш Л А Р И

20 гектар, 1990 йилда 40 гектар теплицалар қуриш, ўзаро ҳамдўстлик шартномалари асосида Тошкент области хўжалиқларидаги 119 гектар теплицаларни реконструкция қилишда иштирок этиш мўлжалланди. Ана шу мақсадларда икки йил мобайнида корхоналарнинг 4,2 миллион сўм маблағларидан фойдаланилади, бунинг ҳисобига 1,5 — 2,0 минг тонна теплица маҳсулотлари олинади ва 1989 — 1990 йилларга келиб ана шу маҳсулотлар ҳажми 11,4 минг тоннага етказилади. Иккинчидан экинзорлардан ва томчилаб суғориладиган фойдаланилиб, илгўр технологиялардан кенг қўлланилади. 1989—1990 йилларда богдорчилик-узумчилик ширкатларига 3,0 минг гектаргача ер участкаларини акратиб қўзда тутилди. Улардан самарали фойдаланиш мақсадида богдорчилик-поллизчилик ускуналари, боғ уйлари қурилиши учун еғоч ва қурилиш материаллари реализациясини кенгайтириш, участкаларни ободонлаштириш ва тартибга келтиришда қурилиш ташкилотларининг пулли хизмат кўрсатиши планлаштирилган.

Богдорчилик-узумчилик ширкатларининг мева-оватлари дархат ниҳолларига, реза меваларига ва тоқларга, сабзавот экинларининг уруғликларига бўлган талабини тўла таъминлаш вазифаси қўйилади. Қишлоқ хўжалиги техникаси корхоналари олдига қишлоқ хўжалиги зараркундалари ва экинлар касалликларига қарши ишлов беришда богдорчилик-узумчилик участкаларига пулли хизматни кенгайтириш вазифаси қўйилади.

Тошкент шаҳар кооператив савдос идораси область матлубот жамияти билан биргаликда богдорчилик-узумчилик ширкатлари хузурида ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳизмат қилувчи қабул пунктларини ташкил этиш тадбирлари белгиланмоқда, кейинчалик ана шу маҳсулотлар шаҳарда реализация қилинади.

Богдорчилик-узумчилик участкаларида сабзавот етиштириш ҳажми 1988 йилги 2,1 минг тоннадан 1990 йилга келиб 4,4 минг тоннагача, турли меваларни етиштириш эса 1,0 минг тоннадан беш йилликнинг охирига келиб, 2,2 минг тоннагача кўпайиши мўлжалланади.

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда иқтисодий сектор билан бир қаторда шаҳарликларнинг хусусий ердამчи хўжалиқлари ҳам иштирок этади. Шахсий хўжалиқларни концентрациялашган озуқалар билан таъминлашни, бузоқ ва буқаларни, қўйларни, чўчкаларни, ларрандаларни реализация қилишни яхшилаш бўйича тадбирларни қабул қилиш мўлжалланмоқда.

Программада шахсий ердამчи хўжалиқларда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, 1989—1990 йилларга келиб гўшт етиштириш учун баравар, сут олинми 1,3 баравар кўпайтириш қўзда тутилган.

Программада озуқа ишлаб чиқариш каби муҳим муаммага янги эътибор қаратилган. Шу йилнинг ўзидеёқ ердამчи хўжалиқларнинг ҳайдаладиган ерларини қишқи экинларга ажратиб режалаштирилади, экин майдонларини

кенгайтириш ва ҳосилдорлигини кўтариш ҳисобига озуқабоп галла, сийлоқ ва бошқа кўк озуқалар тайёрлаш ҳисоб-китобларга кўра 1,5—2,0 баравар кўпайди. Дағал хашаклар тайёрлашни бир неча баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Шаҳарликларнинг шахсий ердამчи хўжалиқларида молларни бўрдоқга боқиб ва кўпайтириш учун мустақам озуқа баасини яратишда озиқ-овқат чиқиндиларидан фойдаланиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Программада шаҳардаги озиқ-овқат чиқиндиларини йиғиб ва топширишининг мавжуд системасини тубдан ўзгартриш, озиқ-овқат ва қайта ишлаш сановат корхоналарининг чиқиндиларини йиғининг барча имкониятларидан янада тўла-роқ фойдаланиш қўзда тутилган. Айна пайтда озиқ-овқат сановат корхоналарининг барча пландан ташқари чиқиндиларидан ердამчи хўжалиқларда молларни бўрдоқга боқиб учун фойдаланиш мўлжалланади.

Шаҳарнинг барча районларида аҳолидан, корхона ва ташкилотлардан озиқ-овқат, нон чиқиндиларини йиғувчи кооперативларни ташкил этиш мўлжалланади. Чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича ихтисослашган цехлар (ишлаб чиқаришлар) ташкил этилади, кейинчалик уларнинг маҳсулотлари озуқа тарихида ердამчи хўжалиқларга ва хонадонларга реализация қилинади. «Ташгормо» хузурида озуқа цехини ташкил этиш белгиланган.

Озиқ-овқат программаси вазифаларини ҳал этишда озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларини қайта ишловчи ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш, ана шу корхоналар моддий-техника базаларининг аҳолида алоҳида ўрин эгаллайди.

Машинасозлик корхоналари «Ташмисо», «Ташмолоко», «Тошкентпиво», «Тошкентвино», «Ташплодоовощпром» бирлашмалари тартибига кирувчи ўттиздан зиёд корхоналар, кондитер фабрикалари, ёғ-мой комбинатлари ва консерва заводлари учун эҳтиёт қисмларини тайёрлаш бўйича топшириқларни бажариш япти. Уттан йили қайта ишлаш тармоғи корхоналари учун 1,5 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар, узеллар ва ускуналар тайёрланди. Бу ишлар жадаллик билан давом эттирилади.

Озиқ-овқат сановат корхоналарини жадал ривожлантириш қўзда тутилди. Тошкент ёғ-мой комбинатига техника билан қайта жиҳозлаш ҳисобига 1991 йилда маргарин, ишлаб чиқариш 1,5 минг тоннага, майонез ишлаб чиқариш 1,0 минг тоннага кўпайди. Пиво-алкоголис ичимликлар сановатини юқори умумий ускуналар билан жиҳозлаш ҳисобига 1991 йилда мавжуд корхоналарда қўшимча равишда аҳолида эҳтиёт катта бўлган 1,1 миллион декалитр ичимликлар ишлаб чиқарилади.

Ун учинчи беш йиллик мобайнида янги сут заводи қурилади, бу Тошкент сут комбинати қувватларини қарийб икки баравар ошириш имконини беради. Сергели районда бир йилда 34 минг тонна қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган кондитер фабрикаси, парҳездаги ва диабет хасталиғи бўлган кишилар учун бир кунда жавдари ун навлари

дан 50 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган нон заводи қурилади, сут маҳсулотларидан ташқари табиий шербат ва мева қўнимчалари қўшиб тайёрланадиган музқаймоқ фабрикаси қурилиши қўзда тутилди.

Шаҳар куч-қайрати билан 1989—1990 йилларда минг тонна тузланган маҳсулотлар сақланадиган омборлар бунёд этиш мўлжалланади.

Шаҳар сановати 18 корхона (цех) учун 55 миллион шартли банк консерва ишлаб чиқарадиган жиҳозларни тайёрлашда, майна ишлаб чиқарувчи ускуналарни яратишда иштирок этиш япти, сабзавотларни қаттиқ музлатиш линияси учун узелларни яратиш ишлари олиб бориламоқда.

1989—1990 йиллар мобайнида марказлашган ва марказлашмаган маблағлардан фойдаланиб, бунга сановат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг қувватларини сафарбар этиб, 68,5 минг тонна сабзавот ва мевалар сақланадиган омборхоналарни бунёд этиш, омборхоналар жами сўмларини 182 минг тоннага етказиш, омборхоналар хузурида мева-сабзавот маҳсулотлари бирламчи қайта ишланадиган цехларни ташкил этиш мўлжалланади. Мева-сабзавот маҳсулотлари ялли ҳажмидаги нобудгарчиликларни камийди икки баравар камайтириш вазифаси қўйилади.

Умумий оватларнинг корхоналарининг тармоғи сезиларли даражада кенгайди. 1989 йилда 4,6 минг, 1990 йилда 5,1 минг, 1995 йилда 6 минг хўранда оватланадиган умумий оватларнинг корхоналарини ташкил этиш қўзда тутилди. Озиқ-овқат ва сабзавот магазинларининг савдо майдони 1989 йилда 11,3 минг квадрат метрга, ун учинчи беш йилликнинг охирига келиб эса 44,3 минг квадрат метрга кўпайиши лозим.

Область қишлоқ хўжалиқларининг «дала—магазин» принципи асосида ишловчи фирмалар магазинлари тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди.

Матлубот кооператив системаси сезиларли даражада ривожланади. Шу ерларда йирик шохли ва бошқа моллар бўрдоқга боқиладиган хўжалиқларни ташкил этиш, гўшт, балиқ, парранда гўштини дудлайдиган корхоналарни бунёд этиш мўлжалланмоқда. Музқаймоқ, қандолатчилик маҳсулотлари, чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқарувчи қувватларни ташкил этиш мўлжалланади. Мева-сабзавот маҳсулотларини консервалайдиган, сархил меваларни, сабзавотларни саралайдиган ва қандолайдиган, сабзавотларни тузлайдиган цехлар ташкил этилади. «Ташкоопторг» магазинларининг сон 1989—1995 йиллар мобайнида мавжуд 66 тадан 160 гага етказилади.

Шаҳар сановат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг деҳқон хўжалиқлари билан ҳамкорлиги шаҳар ва қишлоқнинг аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни ҳал этиш борасида биргаликдаги энг самарали иш усуллари билан бириди. Бундай ҳамкорлик кол-

хоз, совхоз ва бошқа хўжалиқлар билан биргаликда қишлоқ хўжалиги фаолияти мақсадларида корхоналарнинг моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини бирлаштириш ва улардан пайчилик асосида фойдаланиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, йиғиб олиш, сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш ишларини биргаликда бажариш; зарар келтирётган, ўзини-ўзи оқламаётган деҳқон хўжалиқларини ёни айрим бўлинмаларини (теплицалар, фермалар, қайта ишлаш цехлари ва ҳоказолари) сановат корхоналарининг сотиб олиши (ижарага олиши); ота-бобоқларини ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бошқа қўринишларини ривожлантириш йўли билан амалга оширилади.

Биргаликдаги қишлоқ хўжалиги юмушлари гомонларнинг вазифалари аниқ белгиланган хўжалик шартномалари асосида амалга оширилади.


Шаҳар партия комитети қатор сановат ва қурилиш ташкилотларининг ижобий тажрибаларини таҳлил этиб, партия ташкилотларини, барча меҳнат коллективларини СССР Транспорт қурилиш министрлигининг «Средэстрострой» трести ва Тошкент областининг Чиноз районидagi «Москва» колхозининг икки томонлама шартномалар асосида ўзаро манфаатли ердამга доир тажрибасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга даъват этади. Ингйўл районидagi ўзини қопламаётган уч гектар теплица хўжалигини ўз қўлига олган «Узбекстильмаш» бирлашмасининг тажрибаси эътиборга сазовор. Ана шу теплицадан бирлашма ходимларини таъминлаш учун сабзавотлар етиштирилади.

Ҳам жорий, ҳам истиқболга мўлжалланган тадбирларнинг амалга оширилиши, агросановат комплекси вазифаларини ҳал этиш учун Тошкентнинг иқтисодий потенциалидан тўла равишда фойдаланиш пировард натижада аҳолини ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда олға қадам қўйиш имконини беради.


Ишлаб чиқилган, барча манбалар бўйича озиқ-овқат ишлаб чиқаришининг ўсишини қўзда тутувчи Комплекс программа шаҳар меҳнатқашларини озиқ-овқат билан таъминлаш вазифаларини ҳал этишга қўйилган муайян ҳисса бўлади, икки йил мобайнида чорвачилик маҳсулотларини етказиб бериш ва истеъмол қилинишини 15—20 процентга, сабзавот ва картошка, мевалар, узум, полиз маҳсулотларини 1,2—1,5 баравар кўпайтириш, 1995 йилга келиб эса асосий озиқ-овқат товарлари истеъмолнинг иқтисодий нормаларига яқинлашиш имконини беради.

Озиқ-овқат программасининг амалий ердამини ҳамда область ва республика партия, совет, хўжалик органлари даражасида ҳал этишни таъқозо этувчи барча масалалари, бўйича талаб қилинадиган материаллар, молиявий ва меҳнат ресурсларининг, қўшимча қишлоқ хўжалиги экинзорларининг, концентрациялашган озуқалар ва бошқа ресурсларнинг эҳтиётга доир тақдир ва ҳисоб-китоблар тайёрлаб қўйилган.


Гўшт ва гўшт маҳсулотлари



Сут ва сут маҳсулотлари



Балиқ ва балиқ маҳсулотлари



ТОШКЕНТ ШАҲРИ РАЙОНЛАРИНИНГ ТЕПЛИЦАЛАР ҚУРИЛИШИ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯСИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ХЎЖАЛИҚЛАРИГА	БИРИКТИРИЛИШИ	МАБЛАҒЛАРГА МУҲТОЖ ВА МАБЛАҒ ЙЎҚЛИГИ САБАБИ ҚУРИЛМАётган ТЕПЛИЦАЛАР
ТОШКЕНТ ШАҲРИ РАЙОНЛАРИ	РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНИШИ ВА КЕНГАЙТИРИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ТЕПЛИЦАЛАР (майдон гектар ҳисобида)	Маблагларга муҳтож ва маблаг йўқлиги сабаби қурилмаётган теплицалар.
АКМАЛ ИКРОМОВ	Тошкент районидagi «Узбекистон ССР 50 йиллик» колхоз (8,7 гектар)	Калинин районидagi Калинин номили колхоз — 6 гектар, 1990 й — 3 гектар, 1991 й — 3 гектар
КИРОВ	Тошкент районидagi К. Маркс номили колхоз (7,75 гектар)	
КУЙБИШЕВ	Оржоникидзе районидagi «Қизил Узбекистон» колхоз (6 гектар)	
	Оржоникидзе районидagi «Маданият» колхоз (1,1 гектар)	
	Оржоникидзе районидagi лимонарий (11 гектар)	
	Оржоникидзе районидagi Оржоникидзе номили совхоз (6 гектар)	
ЛЕНИН	Оржоникидзе районидagi «Коммунист» колхоз (2,1 гектар)	
	Оржоникидзе районидagi «Октябрь» колхоз (6,0 гектар)	
	Калинин районидagi XXI партия съезди номили совхоз (6,0 гектар)	
	1-теплица комбинати (3,0 гектар)	
ОКТАБЬ	Тошкент районидagi Ленин номили колхоз (6,0 гектар)	
	Тошкент районидagi «Ленин йўли» колхоз (7,9 гектар)	
	Тошкент районидagi Навоий номили колхоз (1,1 гектар)	
СОБИР РАҲИМОВ	Тошкент районидagi С. Раҳимов номили колхоз (1,1 гектар)	Коммунистик районидagi «Правда» колхоз (6,0 гектар)
	Тошкент районидagi Охунбобоев номили колхоз (6,8 гектар)	
СЕРГЕЛИ	Янгийўл районидagi Ленин номили колхоз (2,0 гектар)	Коммунистик районидagi «Политотдел» колхоз (6,0 гектар)
	Янгийўл районидagi Калинин номили колхоз (2,0 гектар)	
	Коммунистик районидagi «Политотдел» колхоз (6,0 гектар)	
ФРУНЗЕ	Калинин районидagi Оржоникидзе номили колхоз (1,1 гектар)	
	Калинин районидagi теплица комбинати (15,52 гектар)	
	Янгийўл районидagi У. Юсупов номили агросановат бирлашмаси (3,0 гектар)	
ҲАМЗА	Оржоникидзе районидagi «Правда» колхоз (1,9 гектар)	
	Оржоникидзе районидagi лимонарий (35 гектар)	
ЧИЛОНЗОР		Калинин районидagi «Узбекистон ССР 50 йиллик» номили совхоз (1,0 гектар) Калинин районидagi «Москва» совхоз (1,0 гектар).

1988—1995 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реализациясини кўпайтиришга доир

ТАДБИРЛАР	1988 й.	1989 й.	1990 й.	1995 й.
Гўшт-парранда	4200	4220	4610	9000
Колбаса	371	465	510	780
Балиқ	182	200	220	325
Сут	237	240	260	500
Картошка	2025	2190	2210	2290
Серхил мевалар, полиз маҳсулотлари, узум, куруқ мевалар	5505	5655	5800	7700
Сабзавотлар	5117	5250	5700	7500

Тошкент шаҳри сановат корхоналари ердამчи хўжалиқларининг озуқаларга

ЭҲТИЁЖИ	1988 й.	1989 й.	1990 й.	1995 й.
Жами озуқалар (тонна озуқа бирлиги ҳисобида)	33134	48485	67392	133876
Озиқ-овқат чиқиндилари (тонна озуқа бирлиги ҳисобида)	4500	4934	6800	8787
Концентрациялашган озуқалар-сиз озуқалар эквивалент майдонларга эҳтиёт (гектар)	3149	6649	9247	2708,5
Бундан ташқари концентрациялашган озуқалар учун	7895	8515	11883	17540
Жами экин майдонлари (гектар)	11967	15162	21130	446525


Картошка, сабзавот ва мевалар сақланадиган

РАЙОНЛАР	МАВЖУД ҚУВВАТИ	ПЛАНЛАШТИРИЛАётган ҚУВВАТИ (1990 йилгача)
Акмал Икромов	5000 тонна	9000 тонна
Киров	3500 тонна	22600 тонна
Куйбишев	1320 тонна	11500 тонна
Ленин	—	4320 тонна
Октябрь	—	2000 тонна
Сергели	41000 тонна	46000 тонна
Собир Раҳимов	—	4000 тонна
Фрунзе	6250 тонна	7950 тонна
Ҳамза	38600 тонна	48600 тонна
Чилонзор	15500 тонна	23500 тонна


Богдорчилик-узумчилик ширкатларини ва мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича

ТОПШИРИҚ	1988	1989	1990	1995
Богдорчилик участкаларининг сони [дона ҳисобида]	—	—	—	—
РАЙОНЛАР				
Акмал Икромов	—	300	900	1000
Киров	599	1411	2746	16746
Куйбишев	2983	2983	3000	3200
Ленин	3089	4827	6896	12758
Октябрь	1380	2229	3229	10227
Собир Раҳимов	2033	2333	2666	3383
Сергели	3700	3700	4000	8000
Фрунзе	1330	1500	2000	8300
Ҳамза	4592	4592	10630	12000
Чилонзор	1252	8333	8333	8333
ЖАМИ	20958	32208	44400	83897
Ишлаб чиқариш (минг тонна)	—	0,3	0,5	1,5
Картошка	—	3,2	4,4	8,4
Сабзавот-полиз мева, узум	1,0	1,6	2,2	4,2


КАРТОШКА



САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ



МЕВА, РЕЗА МЕВА ВА УЗУМ



Шартли белгилар: чада — аҳоли жон бошига истеъмол; истеъмол фондлари; ўртада — маҳаллий ресурслар; унда — давлат етказиб берётган маҳсулотлар.



Математика ўқитувчиси бўлиш осон эмас. У кишидан соҳасининг етук билимдон бўлиши талаб этади. Акс ҳолда ўқувчиларга берган ўғитлари самарали бўлмайди. Тошкент шаҳар Куйбисhev районидagi 275-ўрта мактабининг 6-ўқитувчиси Шахло Шокслмова ўз касбининг фидойиларидан.

У педагог оиласида воляга етди. Мактабин олтин медал билан тугатди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини имтиёзли диплом билан тугатди. СУРАТДА: Ш. Шокслмова ўқувчиларни билан. Ш. Иброҳимов фотоси.

«Ишим юзасидан кўнчи таксида фойдаланишимга тўғри келади. Бир кунин, ҳайдовчи билан суҳбатлашиб, ижарачи машинани кетаётганини билди қолдим. У ўзининг иши ҳақида хоҳламайгина гапирди, ижарага жуда эски машинани олганини, ремонт хусусида жуда кўп мураккабликлар борлигини ари қилди... Бошқа шаҳарлардаги ижарачи таксидар иш тажрибаси ҳақида сўзлаб беришимизни сўрайман. Н. Самойленко, экспедитор. (Ярославль)»

Самолётлар кўнчида ва яна осмонга кўтарилишлари, таксидар учун эса гўё учини учун ноқулай об-ҳаво эълон қилинганда: улар «Минск-2» аэропорти ёнидаги майдонда тўхтаб қолиши. Кўк чироқ маржонлари рейсдаги «Ижарачиларга ошқабатган йўловчиларнинг назарини жалб қилмасди.

Бундай таксидар Минскда яқинда пайдо бўлди: «Минск-легавотранс» бирлашмаси такси паркига ҳайдовчиларига машинани ижарага олишни таклиф этди. Бироқ бу таклифга атиги йигирма беш экил асосан катта маош бўлмаган, бригадир лавозимини эгалламаган ёш шофёрлар эди. Ижара шартлари мутлақо мақбул бўлиб кўринди: такси паркига ҳар километр йўл учун 11 тийиндан тўлаб, келгани — ўзининг. Бир ойда қанчали 5100 километри босиб ўтганими — имтиёзли шарт билан ишлаётганасан. Бунда ки-

лометрга атиги 5 тийиндан тўланади. Аммо машина ремонт, бензин ва ювчи ҳақини ижарачининг ўзи чакана нархларда тўлаш керак. Такси парки учун бу шубҳасиз фойдаландир: бўшқининг моқсидек ҳаракат қилишга мажбур бўлган ижарачи шофёр эса, табиқини, автомобилдан иложи борича кўпроқ

димири зиммасига батамом юклаш мумкин. Ҳар ойда машинани ювчи учун олти сўм тўлайми. Лекин мен уни асосан ўзим ювман — вақтин бекор ўтказишни истайман. Бухгалтерияга, эксплуатация ва ҳаракат хавфсизлиги бўлимига ҳам зарурат йўқ. Ахир ана шу бўлимлар бизнинг ҳар бир километридан такси парки «счётчигига» ёзилганидан 11 тийин ҳисобдан ишлади-ку.

Ҳар қалай, ҳақ оҳанга солман, ҳайдовчининг «ҳалол» маоши кўпайди. Нима учун?

Маъмурият шундай шарт қўйди: янги автомобиль олишни истасанми — ижара тўғрисидаги шартномага қўл қўй. Ижарачи коллективлардан ҳар хил солиқларни ундиришни ҳам тахминан ана шундай зўравонлик усули билан белгилашди. Масалан, механикка нима учун ҳақ тўлайми? Йўл варақасида паркидан чиқиб ва паркига қайтиш вақтини «қўйгани» учун унга ҳақ тўлайми. Аммо ижара шартларига кўра мен иш вақтинги ўзим белгилаш ҳуқуқига эгаманку. Берчи пудрат негизида ўзини ўзи назорат қилиш белгиланган бўлсада, варагга унинг назорати учун тўлайми. Медий асифсини эса давлат автомобил инспекцияси хо-

счётчик барча учун баробер ишлайди-ку. Аммо дастлабки тажриба шуни кўрсатдики, ижарачиларда бу асбоб камроқ чиқилайди — аэропортдаги воқеани эслайлик. Бекор тураришни истаман ҳайдовчи — машина хўжайини — ярим баҳосига манзилга етказишни таклиф этган: бекор туриш вақти — тўғридан-тўғри зарардир. Бундан ташқари ижара «программасига» бекор қатнаш киритилмаган. Бир километр йўлни пассажижирсиз босиб ўтганими — ҳақини тўла. Тўғри, ижарачилар норманинг 200 километрга қисқартирилишига эришдилар, бу эса уларга баъзи ҳаракат эркинлиги берди. Аммо бошқа таксичин-

механикларни тузатиб, бунинг учун нақд пул олишди. Аммо ижарачи ҳам таксичи оғдатда автомобиль ремонтига ўз ҳақинида ҳақ тўлар эди. Шофёрлар «чойнақ» олганларини тақчил эҳтиёт қисиларни қидириш, ремонт харажатларини қоплашга сарф бўлади, деб хас-пўшлашга уриндилар.

Транспортда ижара пудрати алдамчиликка барҳам бериб, барча хизматларнинг амалий ўзаро муносабатлари учун пойдевор яратибгина қолмай, қўвона саволларни ҳам кўндалан қилиб қўймоқда. Шартномага кўра, масалан, такси парки ҳайдовчига соз автомобиль билан бериши керак. ТХ — 2 — техника хизмати автомобилнинг созлигини тасдиқлайди. Бундай хизмат ҳар 12 километр юрилганидан сўнг амалга оширилади. Амалда эса бу хизмат ижарачи ҳисобдан бажарилди. Айтидан, ё таксичилардан пул олмаслик керак ёки ўзлари кўридан ўтказишларига руҳсат берилиши керак. Вақолани, уларнинг барчаси 4 — 5 разрядли спесарлардир.

Хуллас, муаммолар кўп. Бу ерда СССР Олий Совети Президиумининг СССРда ижара ва ижара муносабатлари тўғрисидаги фармони бу муаммоларни ҳеч бўлмаса қисман ҳал этишда кўмаклашишга умид қилишмоқда.

А. ЛИПСКИЙ, ТАСС музбири, Минск. Мухаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Долзарб масала

ИЖАРАНИНГ МУАММОЛАРИ

Реклама ва эълонлар

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР ОМОНАТ КАССАЛАРИГА САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА 1989 йил 10 апрелда ўтказилган 93-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Table with columns for account numbers (A-017 to A-993) and amounts. Includes a note about the commission's role in Samarkand.

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бош бошқармасининг «Ёшлик» мактаб-магазини контролёр-касирлар тайёрловчи 6 ОИЛИК ва озиқ-овқат товарлари билан савдо қилувчи кичик сотувчилар тайёрловчи 4 ОИЛИК КУРСЛАРГА қабул эълон қилади

Реклама ва эълонлар

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! «Универсал» таклиф қилади «УНИВЕРСАЛ» КООПЕРАТИВИ ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИГА, ДАМ ОЛИШ УЙЛАРИГА, САНАТОРИЙЛАРГА ПУЛ УТҚАЗИШ ПУЛИ БИЛАН КОМПЬЮТЕРЛИ ТЕЛЕВИЗИОН УЙИ АППАРАТЛАРИНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛАДИ.

Уй ҳайвонларингиз юқумли касалликларга қарши эмландими? АГАР ЭМЛАНМАГАН БУЛСА — ВАҚТНИ БОЙ БЕРМАНГ!

СССР Ветеринария Устави ҳамда Тошкент шаҳар Советининг «Ҳайвонларни ва паррандаларни боқиб қондалари»га мурофи сиз ҳар йили 30 МАЙГА ҚАДАР уй молларингизни ва итларни эмлаш учун турар жойингиздаги ветеринария шифохонасига олиб боришингиз, паррандаларни ва асарларини рўйхатга олиш, касалликларга қарши ишлов бериш учун буюртма беришингиз лозим!



Кооператив шунингдек, мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган шахсий компьютерларга хизмат кўрсатиш ва ремонт ишларини бажаради. «УНИВЕРСАЛ» КООПЕРАТИВИ.

КУБИШЕВ райониди — Дунаевский шоссе, 326, телефон 64-13-10. ОКТЯБРЬ райониди — Бешёғоч кўчаси, 143, телефон 42-35-46. ЛЕНИН райониди — 2-Ипподром проезде, 47. КИРОВ райониди — Обсерваторская кўчаси, 21, телефон 33-35-13. ЧИЛОНЗОР райониди — Мамарасул Бобоев кўчаси, 62. СЕРГЕЛИ райониди — Райхон кўчаси, 1-проезд, 4, телефон 58-70-53. ҲАМЗА райониди — Заркент кўчаси, 20, телефон 31-47-14. СОБИР РАҲИМОВ райониди — Форобий кўчаси, 29, телефон 44-34-53. АКМАЛ ИКРОМОВ райониди — Тоқиев кўчаси, 4-проезд, 11, телефон 47-06-30.

УИ МОЛЛАРИНИНГ ЭҒАЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Уйда мол сўйиш, тегишли ветеринария хўжаликларисиз белгиланмаган жойларда чорвачилик, паррандачилиги, асарличилиги махсулотларини сотиш ман этилади. Жумладан, бу уйма-уй юриб сотувчи граждандарга ҳам тааллуқлидир. Ҳайвонларни ветеринария ишловига олиб келишдан бундан товбатлан ёки ҳайвонларни боқиб, ҳайвонлар ва паррандалар билан савдо қилиш, шунингдек, чорвачилик, паррандачилиги махсулотлари билан савдо қилиш қондалари бузаётган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Реклама ва эълонлар

Тошкент давлат циркида 17 АПРЕЛДАН ВОШЛАБ «ЖАҲОН ҚАРНАВАЛИ» ЦИРК ТОМОШАЛАРИ ПРОГРАММАДА: ҲАЙВОН УРГАТУВЧИ — БУТУНИТТИҒОҚ КУРСНИНГ ЛАУРЕАТИ ВИКТОР КРАЧЕНОВ; ОНДА ЮРИШ ОЛИЙ МАКТАБИ; ЭКВИЛБРИСТЛАРИНИНГ ЧИҚИШЛАРИ.

21 АПРЕЛДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: Санъат саройи — «УЗОҚ АЙРИЛИК» (11, 13, 30, 16, 18, 30, 20, 45, катта зал); «Тўрт Оғайни» (12, 14, 30, 17, 19, 30, кичик зал). Ватан — «ТИМСОХ» ЛАҚАБЛИ ДАНДИ» (12, 14, 16, 18, 20, 21, 00). Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ПИЦЦЕРИЯ ОРҚАЛИ АЛОҚА» (11, 16, 21, 00). Чайка — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (11, 13, 15, 17, 19, 21, 00). К. Ерматов номли — «ГУЛ КўТАРГАН ОФИЦЕР» (тоқ соатларда). Нукус — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (тоқ соатларда ва 20.45 да). Москва — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (тоқ соатларда ва 20.40 да). ВЛКСМ 30 йиллиги — «РЭГ-ТАЙМ» (11, 14, 17, 20, 00). Восток — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (жуфт соатларда ва 21.30 да). Лисувон номли — «ТИМСОХ» ЛАҚАБЛИ ДАНДИ» (тоқ соатларда). Дружба — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (ҳар соатда).

Автомат жавоб берувчи телефонлар: Дружба — 67-96-87. УССР 25 йиллиги — 53-65-87. М. Шайхзода номли — 42-39-74. С. Раҳимов номли — 48-46-71. Ҳамза номли — 91-10-51. Тинчлик — 56-34-88. Искра — 39-14-59.

20 АПРЕЛДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: Санъат саройи — «УЗОҚ АЙРИЛИК» (16, 18, 30, 20, 45, катта зал); «Тўрт Оғайни» (17, 19, 30, кичик зал). Ватан — «ТИМСОХ» ЛАҚАБЛИ ДАНДИ» (18, 20, 21, 00). Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ПИЦЦЕРИЯ ОРҚАЛИ АЛОҚА» (21, 00). Чайка — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (17, 19, 21, 00). К. Ерматов номли — «ТУТИҚУШ КўТАРГАН АЕЛ» (тоқ соатларда). Нукус — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (тоқ соатларда ва 20.45 да). Москва — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (тоқ соатларда ва 20.40 да). ВЛКСМ 30 йиллиги — «РЭГ-ТАЙМ» (17, 20, 00). Восток — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (жуфт соатларда ва 21.30 да). Лисувон номли — «ТИМСОХ» ЛАҚАБЛИ ДАНДИ» (тоқ соатларда). Дружба — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (ҳар соатда).